



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 14-iyul №27 (4738)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА МИЛЛИЙ АСКИЯ ВА ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий кадриятлари-мизни, шу жумладан, миллий аския ва кизикчилик санъатини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ва келгуси авлод учун номод-дий маданий мерос сифатида етказиш максадида:

1. Марғилон шахрида Маданият ва туризм вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклида **Юсуфжон кизик Шакаржонов номидаги республика аския ва кизикчилик санъати маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аския ва кизикчилик ижрочилиги йўналишида **“устоз-шоғирд” анъаналарини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш**, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, маданият ва таълим муассасаларида **аския ва кизикчилик санъати тўғраклари**ни ташкил этиш;

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг аския ва кизикчилик санъатини сақлаш ва тарғиб этиш бўйича **илмий тадқиқотлар олиб бориш**, бу борада, ижодкорлар, фольклор-шунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг **ижодий ва илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш**;

аския ва кизикчилик билан шуғулланувчи ижодкорларга хар томонлама қўмаклашиш, **оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш**, мамлакатимизда ва хорижий давлатларда **гастроль фаолиятини амалга ошириш**, фестиваль, кўрик-танлов, ижодий кечалар, аския ва кизикчилик томошаларини ташкил этиш;

аския ва кизикчилик санъатининг **пайров, кофия, бахри-байт, афсона, радиф, айтишув, раббиа каби ноёб шакллари**ни асраш ва тарғиб этиш, саҳнавий сюжетларини ривожлантириш ҳамда **истеъдодли сўз усталарининг ижод фондини ва махсус адабиётларини яратиш**.

2. Куйидагилар:

хар йили сўз усталари ва кизикчилар ўртасида “Хуш кайфият” республика кўрик-танлови ҳамда **аския кечалари**; аския ва миллий кизикчилик санъатини ривожлантириш бўйича тарғиб қилиш мақсадида **хар икки йилда бир марта “Табас-сум” халқаро кулги фестивали**;

хар йили аския ва кизикчилар жамоаларининг маҳаллий гастроль сафарлари; республикадаги маданият марказлари, маданият ва санъат йўналишидаги таълим ташкилотларида **аския ва кизикчилик санъати тўғраклари ва ижодий жамоалари** ҳамда уларнинг жамоатчилик учун **хар йили** хисобот концертлари ташкил этилсин.

3. Аския ва кизикчилик санъати билан шуғулланувчи ижодий жамоалар ва ёзувчи-драматурглар томонидан биргаликда яратилган хажвий асарларни саҳналаштириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва аҳолига хуш кайфият улашишга қаратилган концерт-томоша тадбирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

хар йили камида 3 та илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини танловлар асосида шакллантириш;

хар йили камида 5 та саҳнада намойиш этишга мўлжалланган хажвий асар учун давлат буюртмасини бериш;

ижодий танлов асосида эркин ижодкор ва жамоалар томонидан **хар йили камида 10 та концерт-томоша тадбири ва аския кечаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни** қоплаб бериш;

хар йили камида 25 та юксак бадиий савиядаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратиш учун **давлат буюртмасини бериш**, бунда энг кенг оммалашган **5 та аудиовизуал асар** ижодкорларини Маданият ва туризм вазирлиги хайъатининг қарори

билан базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти** билан тақдирлаш белгилансин.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар давлат илмий дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан, учинчи – бешинчи хатбошиларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Куйидагилар:

Юсуфжон кизик Шакаржонов номидаги республика аския ва кизикчилик санъати марказининг **Васийлик кенгаши таркиби** 1-иловага мувофиқ;

Аския ва кизикчилик санъати соҳасидаги таникли ижодкорлар томонидан ташкил этилаётган **махорат мактаблари рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

Аския ва кизикчилар жамоаларининг 2023–2024 йилларга мўлжалланган **маҳаллий гастроль сафарлари** режаси 3-иловага мувофиқ;

Аския ва кизикчилар жамоаларининг 2023–2024 йилларга мўлжалланган **корхона ва ташкилотларга гастроль сафарлари**ни ташкил этиш режаси 4-иловага мувофиқ;

Республикада аския ва кизикчилик санъатини ривожлантириш ва **илмий-ўрганиш** ҳамда **тарғиб этишни** қўллаб-қувватлаш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган **“йўл харитаси”** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат органлари, муассасалари ва корхоналари хар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил

этиш, шунингдек, концерт, цирк ва театрларга, **аския, кизикчилик ва сўз санъати томошаларига** кириш учун чипта ва абонементларни харид қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов), хўжалик жамиятлари муассиси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йиғилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида **ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари учун** оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини **бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин**.

Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков) хар ойнинг 25-санасига қадар келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша, шу жумладан, **аския ва кизикчилик томошалари** хақида давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва хўжалик жамиятларини хабардор қилиб бурсин.

6. Белгилансинки:

аския ва кизикчилик санъати соҳасида таникли ижодкорларнинг **махорат мактаблари** фаолияти йўлга қўйилади; ушбу қарорда белгиланган тартибда ўзининг маҳорат мактабини яратган ижодкорлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали хар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **5 баравари** миқдоридан қўшимча рағбатлантириб борилади;

махорат мактабларига улар фаолият юритадиган муассасанинг объектларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, уларга ушбу муассаса томонидан алоҳида хона ажратилади ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шеърлий лаҳза

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ВАТАН

Агар дўстлар эрур содик бир-бирин кийратиб бўлмас,
Агар қилгил неча фитна аларни айратиб бўлмас.
Демиллар: мору кушни бир кафасда асратиб бўлмас,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан деб мен баён қилдим, аё дўстлар, муҳаммасни,
Ватанин ким улуг билди, азиз билдим мен ул касни.
Ватан деб жўш урар эрса кўтаргум бошимга хасни,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Надомат бирла бокғайман ватансизларга хар доим,
Эгиб бошини зор йиғлар, агарчи давлати қойим,
Фақир бўлсам-да бор юртим —
тожу тахтим, борар жойим.
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Боболар кечмишин харгиз фаромуш айламанг, дўстлар,
Ҳақиқат тонги отганда ани туш айламанг, дўстлар,
Агар ким эътиқодсиздур, ани хуш айламанг, дўстлар,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Диёрим Ўзбекистондур, ки андин ифтихорим бор,
Демакким, хур адолатлиғ, давлати барқарорим бор,
Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бор, ғамгузорим бор,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан, сен хур, йўлинг шонли, қадамни
ташлагин шахдам,
Фахр-ла бокғай Абдулло, қўзида шодлигидан нам
Паноҳингни тилаб Ҳақдин дилида илтижо хар дам,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Шухрат РИЗАЕВ



Таникли адабиётшунос олим, мунаққид, драматург, публицист, давлат ва жамоат арбоби Шухратулла Ризаев шу кунларда таваллудининг 65 йиллигини нишонлаяпти. Унинг ўзбек адабиёти, театри, драматургияси ва кино санъатида бағишланган қатор китоблари: “Жадид драмаси”, “Саҳна маънавияти”, “Маънавият манзиллари”, “Сурат ва сийрат чизгилари”, “Замон оша замондош”, “Баҳодир Йўлдошев театри”, “Қалбга йўл”, “Иштироб санъати” каби ўндан ортик монография, рисола, илмий-адабий мақолалар тўпламлари, ижтимоий ҳаётимизнинг турли масалаларига бағишланган юзлаб публицистик мақолалари, ўрта мактаб ҳамда олий таълим талабалари учун қатор дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилган. “Искандар”, “Она”, “Диско-тека” каби пьесалари Ўзбекистоннинг бир қатор театрларида саҳналаштирилган. Киносценарийлари асосида бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Атоқли ижодкоримизни таваллуд айёми билан табриклаб, унинг шу кунларда ёзган мақоласини эълон қилмоқдамиз.

АРМОНУ АФСУСЛАР ДИЁРИНИНГ ФУҚАРОСИГА ЭҲТИРОМ

“Дилбар шаҳе”, гўзал шоир, ҳаққоний тарихнавис, моҳир саркарда ва буюк ҳукмдор Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Мана, беш асрдан ортик давр ўтибдики, бу улуг зотни англаш, ижодини ўқиш ва идрок этиш борасидаги изланишлар тўхтамайди. Зукко муҳлис хамиша шундай савол қарши-сида лол: “Ким ўзи – Бобур?”. Юқорида сағанганимиз сифатлари унча-мунча кенг ёйилган умумий таърифлар, холос. Шеърляти, воқеоти, хасби ҳоли ва илмий-бадиий рисоалари

моҳиятини англашга чоғланган муҳлиблари тилдан-тилга кўчиб юрган одатий таърифларидан сира коникмасликлари аник. Ҳақрости ҳам шу, ҳазрат На-

войини англаш не қадар мушкул ва фараҳбахш бўлса, Бобур Мирзони ҳам идрок этиш, ундан кам машғуллот ва меҳнат-машаққат, ҳаловат эмас.

Заҳриддин Мухаммад Бобур армону афсуслар диёрининг фуқароси бўлганидек, ўз миллатдошлари ва ватандошларининг ҳам охи, армони... Гапнинг индаллоси,

ройиши шуки, Италиядек маҳобатли кўҳна тамаддун мамлакатада Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги нишонланаётган жорий йил-

да “Бобурнома” асари итальян тилида юқори матбаа сифатида кўп нусхада нашр этилибди. Китоб Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг “Шарқ ренессансининг марвариди” номли сермазмун сўзбошиси билан очилади. Италиянинг таникли олим ва адиби Франко Кардини-нинг “Бобурнома” таассуротлари асосида ёзган ниҳоятда самимий бади-эссеси китобда кириш сўз сифатида берилган. Яна бир аҳамият-ли жиҳат – китоб Бобурийлар даврига тегишли деб топилган 96та бадиий миниатюра суратлар билан безатилган.

► 3

Муносабат

ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН

Кейинги пайтларда янгиланаётган Ўзбекистонимизда бизнинг тарихимиз, келажагимиз учун муҳим бўлган сиёсий воқеалар юз берганига эътиборни қаратмоқчиман. 30 апрелда Ўзбекистон Конституциясига янги таҳрирлар кири-тилиши муносабати билан бутунхалқ референдуми ўтказилди. 65 фоиз янги тахир халқ назаридан ўтди. Бу зарур эди, зеро жўшқин ва таҳликали ҳаёт, шиддат-ли зомин, эртанги келажақ умиди тако-зи Конституциямизга табиий равишда ўзгартиришлар киритиш масаласини ўр-тага қўйди. Референдум муваффақиятли ўтди.

9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда қатнаш-дик. Халқимиз ўзининг муносиб фар-зандига овоз берди: замонамизнинг етуқ арбоби, жаҳон ҳамжамиятининг машхур намоёндаларидан бири Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланди! Биз мух-тарам Президентимизни қутлуғ ва шараф-ли, айни пайтда бағоят залворли вазифа билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ҳа, халқимиз ўзининг бутун умидларини, келажагини ҳақли равишда ана шундай зукко раҳбар, олисни кўра оладиган, “Сиз қайси қучли давлат тарафида бўласиз?” деган саволга: “Мен хар қандай шароит-

Мухаммад А.ЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



да ҳам фақат халқим тарафида бўламан! Ке-рак бўлса, унинг учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман!” деб донишмандона жа-воб берган мард ўғлонига боғламоқда. Ҳам-маси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида қўйилган улкан қадамлардир.

* * *

“Янги Ўзбекистон” дегани нима, у қандай мамлакат?”

Ҳозир ўзимизнинг одамларимизнинг акса-рияти, юртимизга келган жаҳон афкор омма-си вакиллари бу саволга дабдурустан жавоб топа олмай қийналадилар. Улар эшитганла-ри билан кўрганлари орасида фарқнинг қат-та эканлигига шохид бўладилар.

► 2

